



SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI! O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 4-mart. Shanba • 28 (32.243)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накаони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Бугунги кунда ҳамкорлик портфели умумий қиймати 14 миллиард доллардан зиёдни ташкил этувчи 59 лойиҳани ўз ичига олган бўлиб, уларни молиялаштириш учун банкнинг 6 миллиард доллардан кўпроқ маблағи жалб қилинган.

Толлимаржон ва Тахياتош иссиқлик электр станцияларида замонавий буғ-газ қурилмаларини барпо этиш, юқори вольтли электр узатиш линияларини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қуриш, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида сув таъминоти тизими ва санитария объектларини реконструкция қилиш, Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш, Мароканд-Қарши темир йўлини электрлаштириш, кичик бизнесни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа лойиҳалар Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган ва амалга ошириляётган йирик лойиҳалар сирасига киради.

Учрашувда 2017-2019 йилларга мўлжалланган қўшма дастур доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш

масалалари муҳокама қилинди.

Аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аграр тармоқни модернизация қилиш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муқобил энергетикани ривожлантириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва бошқа йўналишларга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ОТБ президенти самимий қабул ва ўзаро шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаётгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

ОТБ делегациясининг мамлакатимиз вазирликлари ва идораларида ўтказган учрашувлари якуни бўйича банкнинг 573 миллион долларлик маблағини жалб қилган ҳолда кичик бизнес, мева-сабзавотчилик соҳалари, сув таъминоти тизими ва автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантиришга доир 4 лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

Ўзбекистонга ташрифи давомида Такехико Накао Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари билан танишди.

Ў.А.



Санабар ШОҒУЛМАНОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ»

кўрик-танловининг республика босқичи бошланди

Кеча пойтахтимизда «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг республика босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 14 нафар иштирокчи 3 шарт бўйича беллашади.

Айтиш керакки, мазкур танловга қизиқувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, 2015 йилда иштирокчилар сони 150 нафарга яқини ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич қарийб 50 нафарга ошди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг мажлислар залида «Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир», «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартлари бўлиб ўтди.

Бугун пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказининг конференция залида танловнинг лойиҳа тақдими, шартли ўтказилади ва умумий натижалар асосида ғолиблар аниқланади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 10000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида

2017 йилнинг 10 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 10000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.



Банкнот олд томонининг юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшкор элементлар фониди Ўзбекистон Республикаси Герб тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида етти та рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшкор рамканинг ўнг ва чап бурчларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида «10000» рақами тасвирланган бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Гербнинг ўнг тарафидаги «10000» рақами устига йирик ҳарфлар билан «SO'M» сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида банкнот қиймати сўз билан «O'N MING» кўрсатилган.

Нақшкор рамканинг пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISH SHART» ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг тўқ кўк рангли нақшкор рамкеси, «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги «10000» рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган «10000» рақами тепасида банкнотнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялиқ бурчакнинг ҳолатига қараб рангини ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи, тилла-бронза рангли саккиз қиррали нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил «2017» кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида кўк ва бинафша рангда ишланган нақшкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида «10000» рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида «SENAT» меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «10000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан «O'N MING» кўрсатилган.

Пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI» матни жойлашган.

Ушбу матннинг икки томонида «10000» рақамлари, шунингдек, банкнотнинг энг юқори қисмида «O'N MING SO'M» ёзуви акс эттирилган.

Муомалага чиқариляётган қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари, айти пайда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ДЕПУТАТ БИЛАН БИР КУН ЁНМА-ЁН

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номланишида чуқур маъно мужассам. Одамлар орасида юриб, бу ташаббуснинг нақадар ҳаётини эканини англаб етаяпмиз, керакли хулосалар чиқараяпмиз.

Деярли ҳар куни маҳаллаларда юрамиз. Уйда ётган беморлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан мунтазам хабар оламиз. Ҳомийлар кўмаги билан байрамларда уларга совға-саломлар улашилади.



2

Қадрият — ўзликни
англаш

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш тўғрисидаги қарори билан мамлакатимизда Наврўзи олам тарадудди бошланиб кетди.

НАВРЎЗ —
АСРЛАРНИ
МУНАВВАР
АЙЛАГАН
АЙЁМ



Халқимиз қалбида эзгулик, меҳроқибат, инсонийлик туйғуларини уйғотадиган асл миллий байрам ҳисобланган Наврўз бу йил халқ сайли тарзида нишонланади.

Барча шаҳару қишлоқларимизда Наврўз айёмини муносиб қутиб олиш, ҳудудларнинг ўзига хос анъана ва урф-одатларини намойиш қилиш, маънавий меросимизни аجدодлардан авлодларга ўтиши ва янада сайқал топишини қўллаб-қувватлаш мақсадида байрам тадбирлари-га тайёргарлик ишлари алақачон бошланиб кетди.

Наврўзи — оламнинг қадами она-Ватанимизга қутлуг келган бўлсин.

4

ДЕПУТАТ БИЛАН БИР КУН ЁНМА-ЁН

Олмалик шаҳрига кириб борганимизда қуёш илик нурларини соча бошлаганди. Шаҳар марказий шифохонасининг иккинчи қаватига кўтарилдик. Бош шифокор қабулига келганлар навбат кутиб туришарди.

Шифохона бош шифокори Қизилгул Қосимова халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси. Шу боис фақат тиббий масалада эмас, бошқа ташвишлар билан ҳам унинг қабулига кириб бораётгани, уларни ўйлантираётган масалаларга қандай ёндашганини билиш, ўрганиш эди.

Аслида бизнинг мақсадимиз ҳам депутатнинг аҳоли, сайловчилар билан мулоқоти, одамлар орасига қанчалик кириб бораётгани, уларни ўйлантираётган масалаларга қандай ёндашганини билиш, ўрганиш эди.

Бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда, — дейди депутат. — Шунга мувофиқ, бизнинг олдимизда турган вазифалар, зиммаларимиздаги масъулият ҳам катта. 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номланишида чуқур маъно мужассам. Одамлар орасида юриб, бу ташаббуснинг нақадар ҳаётини эканини англаб еттишимиз, керакли хулосалар чиқаришимиз.

Деярли ҳар куни маҳаллаларда юрамиз. Ўйда ётган беморлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан мунтазам хабар оламиз. Ҳомийлар кўмаги билан байрамларда уларга совға-саломлар улаштиради.

Сайловчиларингиз, умуман, шаҳар аҳолисини кўпроқ қандай масалалар ўйлантирмоқда? Мулоқотлар давомида қандай муаммолар билан мурожаат қилишяпти?

— Ҳоким, парламент аъзолари, мутасадди ходимлар билан бирга аҳоли вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашяпмиз. Ҳар чоршанба куни сайёр гуруҳ ҳудудларга чиқяпти. Очиқ мулоқотлар давомида аҳолини кўпроқ бандлик масаласи ўйлантираётгани маълум бўлмоқда. Мана, ҳозиргина қабулдан чиққан онахон ҳам наварасини ишга жойлаштириш масаласида ёрдам сўраб келибди.

Шаҳримизда 6 коллеж, битта академик лицей бор. Ҳар йили

мазкур таълим муассасаларини минглаб ёшлар битиради. Касб-хунар коллежлари кончилиқ, ижтимоий сервис, уй-жой қурилиши, саноат ҳамда тиббиёт соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Олмалик кон-металлургия комбинати ҳар йили минг, бир ярим минг нафар ёшларни ишга қабул қилади. Тиббиёт коллежини ўтган йили шу ҳудуднинг ўзида рўйхатда бўлган 50 нафардан ортиқ битирувчи тамомлади.

— Коллеж битирувчилари учун иш ўринлари етарлими?

— Афсуски, йўқ. Шунинг учун ҳам тиббиёт коллежларида ҳар йили турли йўналишларда мутахассислар тайёрлаш мақсадида мувофиқ, деб ўйлайман. Эҳтиёжга қараб, бир йили лаборантлик, бошқа йили стоматология ҳамшираси, фармацевтика йўналишлари очилиши бўйича таклифлар беришимиз. Ички йўллари таъмирлаш масаласи ҳам долзарб масаладир. Аҳолидан тушган мурожаатлар асосида мутасаддиларга депутатлик сўровлари киритилган.

Бугун сайловчилар билан учрашув белгиланганми? Аҳоли мурожаатлари билан яқиндан танишишимиз мумкин бўлади. Вақт ҳам бўлиб қолди, юринлар, сизларни ижтимоий иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежига таклиф қиламан. Очиқ мулоқот ўша ерда бўлиб ўтади.

Йўл-йўлакай депутат билан соғлиқни сақлаш тизими олдида турган вазифалар, келгусидаги режалар ҳақида ҳам суҳбатлашдик.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, биринчи навбатда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга эътибор қаратяпмиз. Тўғриси, ходимларимизнинг беморлар билан мулоқоти, касбга фидойилиги қаттиқ назоратга олинди.

Шифохонамизда тиббий ижтимоий сектор фаолияти йўлга қўйилган. 17 нафар ижтимоий ходима ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан мунтазам хабар ола-



Сайлов ШОТЎЛАНОВ билан суҳбат.

ди. Ёлғиз кексаларни бепул дори-дармонлар билан таъминлашга ҳаракат қилияпмиз. Ногиронларга ҳаракат таянч буюмлари навбат билан бепул бериб борилади.

Бизни Ўзбекистон ХДП Олмалик шаҳар кенгаши раиси Мухриддин Ҳамзаев кутиб олди.

— Халқнинг ичига кириб, уларнинг дарди, муаммолари, таклифларини эшитишимиз лозим, — дейди у. — Одамларга қанча яқин бўлсак, уларни ўйлантираётган муаммолардан хабардор бўламиз, ечимни учун кўмаклашамиз. Бугун ҳам шу мақсадда йиғилдик.

— Маҳалла аҳли, ота-оналар мактабда турли сабаб ва баҳоналар билан пул йиғиш кўпайгани ҳақида гапиришди, — дейди «Ҳамза» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Олтиной Ўлжабоева. — Аслида бу қанчалик тўғри? Мактабда ўқувчилардан қандай ҳолларда пул йиғилиши мумкин?

Яна бир эътирозим — туғуруқхоналарда бериладиган суюнчи пуллари масаласида. Ҳатто айрим тиббиёт ходимлари шунча пул берилсин, деб талаб қилади. Рўйхатдан ўтиш учун ҳам пул сўрашади.

— Қизим коллежни битирди, мактабда амалиёт ўтади, — дейди Зухра Шарофидинова. — Лекин мактабга олий ўқувчилар кадр кераклиги айтилиб, қизим ишга олинмади. Мактаб билан уч томонлама шартнома ҳам тузилган. Коллежда шартномалар

номига тузиладими, нега уларга амал қилинмайди?

— Кўчамиздан қурилиш ва уй-жой ҳўжалиқ касб-хунар коллежи ҳамда оилавий поликлиникага келиш учун иккита транспортдан фойдаланамиз, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалласидан Савринисо Солиева. — Бу эса аҳолига, болалар ва ёш болалар аёлларга қийинчилик туғдирмоқда. Шу йўлга битта йўналишда транспорт қўйиш масаласини кўтармоқчи эдим.

Мулоқот давомида яна бошқа масалаларда ҳам кўплаб мурожаатлар бўлди, ҳаётини саволлар берилди. Депутат саволларга жавоб бериб, муаммоларни ҳал этиш бўйича вазифалар белгилаб олди. Мулоқотда Олмалик шаҳар кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Мавжуда Илясова ҳам фаол иштирок этди.

Учрашувдан сўнг Қизилгул Қосимова коллежнинг 2-босқич бухгалтерия гуруҳига кириб борди. Уларнинг ўқиш шариоитлари билан танишди. Ўқувчиларни қизиқтирган масалалар ҳусусида дилдан суҳбатлашди.

— Яхши ўқишимиз учун коллежимизда барча шариоитлар бор, — дейди Дилноза Ашурбоева. — Кутубхонамизда китоблар етарли. Спорт залимиз ҳам тўлиқ жиҳозланган. Малакали устозлардан таълим оляпмиз. Биздан эса фақат яхши ўқиш, етук мутахассис бўлиш талаб этилади. Менинг бир таклифим бор. Коллежимизда ёзувчилар, шоирлар, сийosatшунослар билан учрашув-

лар тез-тез ўтказилса.

— Ёшларнинг таклифлари, фикрларини эшитиб, уларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини кўриб, жуда қувондим, — дейди депутат. — Фарзандларимизнинг ҳеч нарсадан кам бўлмай униб-ўсиши келажимиз учун заминдир.

Кейинги манзилимиз 16-дават махсус мактабга таълим муассасаси бўлди. Вақт кеч бўлгани учун богчада болалар кўринмасди.

Депутат бу ердаги шарт-шариоит билан яқиндан танишиб, озиқ-овқат омбори ҳамда ҳафталик таомномани кўриб чиқди. Хоналарни иситиш тизими, ётоқхона, болалар ўйинчоқлари, ҳамма-ҳаммасини кўздан кечирди.

— Муассаса жорий таъмирга муҳтож, — дейди депутат муассасадан чиқар эканмиз. — Бу ҳақда албатта ҳокимиятга маълумот киритамиз. Болалар яхши шариоит билан таъминланиши учун масъулмиз.

Қуёш бота бошлади. Пойтахтга қайтишимиз кераклиги учун депутат ва партия фаоллари билан хайрлашдик. Улар эса ҳали хонадонларга кириши, ёлғиз кексалар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишлари керак экан. Ҳамроҳ бўлмаганимиздан афсусландик. Лекин депутатнинг бир кунлик фаолиятидан кўнглимиз тўлди.

Гулруҳ ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Президентимизнинг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»-ги қарори Қорақалпоғистон Республикасидаги пенсионерлар, талабалар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож барча фуқароларни ниҳоятда мамнун этди. Айниқса, олис қишлоқ ва овулларда яшовчи кексаларнинг миннатдорлиги чексиз.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

одамларнинг кўнглини кўтармоқда

— Мен Қораўзақ туманининг Бердақ овул фуқаролар йиғинида истиқомат қиламан, — дейди Бибигул Жумамуратова. — Олдинлари пластик карточка орқали олинган пенсияларни қандай ишлатишни билмай қийналардик. Президентимизнинг қарори қабул қилинган заҳоти кунга кирганидан хурсандмиз. Февраль ойидан пенсияларимизни ўз вақтида оляпмиз.

— Юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилётганига ўзим гувоҳман, — дейди Чимбой туманида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони Юсуфбой Туремуратов. — Айниқса, давлатимиз раҳбарининг қарори асосида биздек ногиронларга пенсиянинг нақд пулда тўланиши ҳар томонлама қулайлик туғдириди. Эндиликда пенсия пулларини даволаниш, дори-дармон сотиб олиш ва уй-рузгор харажатлари учун бемалол сарфлаш имконига эга бўлдик.


— Ёшим 81 да, — дейди Чимбойлик Минаж Аминов. — Кекса кишига пластик карточкалардан фойдаланиш кўп қийинчилик туғдиради. Бозордаги маҳсулотларни карточка орқали сотиб олиб бўлмайди. Картошка, пиёз, сабзи, мева-чева эса терминали бор дўконларда кам топилади. Шундай пайтда нима қилишимизни билмай бошимиз қотарди. Энди эса нақд пулга хоҳлаган жойимизда, хоҳлаган нарсани сотиб оляпмиз. Биз, кексаларга кўрсатилган эҳтиром, яратилган қулайликдан миннатдормиз.

— Мен Керайли туманининг чекка қишлоқларидан бирида истиқомат қиламан, — дейди Жақсибики Сапарова. — Почта ходимлари пенсиямизни уйимизга олиб келиб беришди. Яна нақд пулда. Шундан бери қўлимиз ва тилимиз дуода. Бизни сийлаганларни Яратганининг ўзи сийласин, деймиз.

Ҳа, бу ҳаётини қарор одамлар мушкултини осон қилиб, кўнглини кўтармоқда, турмушини янада фаровонлаштирмоқда. Энг муҳими, одамлар эътибордан миннатдор.

Минаждин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



Қонун ҳужжатлари тарғиботи долзарб масала

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Миробод туман кенгаши томонидан П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежиди «Қонун ижодкорлиги ёшлар нигоҳида» лойиҳаси доирасида тadbир ташкил этилди. Унда яқинда қабул қилинган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ҳамда бошқа

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга атрофлича маълумот берилди.

Дастлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши Сектор мудири Умрбек Бектимиров, туман партия кенгаши раиси ўринбосари Азиз Ибрагимов, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Абрам Қурбонов сийсий-ҳуқуқий

маданиятни юксалтиришнинг мазмун-моҳияти ҳусусида сўз юритди.

Жонли мулоқот ҳамда савол-жавоблар асосида ўтган учрашувда йигит-қизлар фаол иштирок этди.

Партиямиз сафига қўшилган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларида

ОТА-ОНАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ХДП Тахтақўпир туман кенгаши Маржанқўл овулида «Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда депутатлар, партия фаоллари фарзанд тарбиясида ота-онанинг бурчи, вазифалари ҳамда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ижроси бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кўчайтириш масалалари ҳақида сўз юритишди.

— Маржанқўл овулида 130 дан ортиқ оила, 500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат

қилади, — дейди туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Мурат Уббиев. — Биз сайловчилар билан учрашувлар, ота-оналар билан мулоқот жараёниларида оилалар мустақамлигини таъминлаш, фарзандларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзларида фикр алмашяпмиз, таклифларимизни айтяпмиз.

Ўз мухбиримиз.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — жамият барқарорлиги кафолати

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши Навоий шаҳридаги Меъморлар маҳалласида «Фарзанд камолоти — жамият бахти» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тadbбирда фарзанд тарбияси, ота-онанинг масъулиятини ошириш масалалари муҳокама этилди. Бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли ёт голяр таъсиридан асраш, уларни она Ватанга муҳаббат руҳида камолга етказиш муҳимлиги таъкидланди.

— Фарзанд тарбияси ниҳоятда нозик масала, — дейди вилоят партия кенгаши сектор мудири Муборак Махмудова. — Афсуски, айрим ота-

оналарнинг ўз фарзандига етарлича эътибор бермаётгани ёшлар ўртасида жинсийликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Турли кўнгилсизликлар келиб чиқмаслиги учун ҳар бир ота-она ўз фарзандини нима билан шуғулланаётгани, қандай ўқитганини назорат қилиб бориши лозим. Маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказиляётган тadbбирларда шу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тadbбир давомида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги видеофильм намойиш этилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Очиқ мулоқотлар давомида аҳолини кўпроқ бандлик масаласи ўйлантираётгани маълум бўлмоқда.

АЁЛИНИ АРДОҚЛАГАН ХАЛҚ БАХТЛИ БЎЛАДИ



Ушб суратлари.

Бахтли аёлнинг чеҳраси қандай бўлади? Бахтли оналарнинг меҳридаре кўнглини ким қандай тасаввур этади? Бу каби саволлар ҳақида қанча кўп ўйласак, шунча кўп фикр, шунча кўп мулоҳазалар, бедор хаёллар уйғонаверади. Бу ҳақда бир зум ўйлашнинг, бахтли аёл чеҳрасини кўз олдимишга келтиришнинг ўзи ажиб бир саодатдек туюлади.

Шу пайтда беихтиёр яқин ўтмишимизда ҳамгусор, муштираб аёлларимиз бошидан кечирган зимистон кунлар, мудҳиш ва бераҳм замоннинг зил-замбил хотиралари кўз ўнгимизга келади. Далаларда бемаврид очилган лолла гуллардек юрган қизлар, бир қўлида бола, бир қўлида пахта тўла этак кўтарган аёллар, ўғлини олис юртларга хизматга жўнатиб кўзи тўрт бўлиб ўтирган дили вайрон оналар... Бундай чеҳраларни кўз олдида келтирган одамнинг кўнгли маъзун тортади. Чунки бундай чеҳраларда қизлар, ёрлар, оналар бахтсиз кўринади, аёл бахтсиз кўринади...

Суратлар алдамайди, ҳақиқатни гапирди. Утган асрда олинган суратлардан бирига тикиламиз. Ундаги аёл шу қадар дард билан маъюз қарайдики, кўзларида не-не ўй ҳасрат, не-не ушланмаган орзулар акс-садо беради. Гўё бу аёл суратга тушаётган ҳам кимдандир ёрдам, наҳот кўтгандек кўринади, илтижо қилиб, ёлғориб тургандай кўринади...

Афсуски, яқин ўтмишда опа-сингилларимиз, аёлларимиз, оналаримиз, момоларимиз оғир меҳнатдан бош қутармади, ҳосаси оқармади, бир этак буталари билан гариб қулбаларда кун кўрди, азоб-изтиробларни юрак-юракларига ютиб яшашга мажбур бўлди.

Агар ўтмишдаги суратларга босангиз, ўша замондан қолган хотираларга қўлок тутсангиз, бунга иқдор бўласиз, аёлларнинг нигоҳларида кўрғошиндек қотиб қолган дардлар, аламларни кўрасиз, ҳис этасиз...

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганда аёлларимиз, оналаримиз ҳаммадан кўпроқ қувонган, десак, асло муболага бўлмайди. Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оғир меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг соғлигини асраш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фарзанд тарбияси учун қўлай шароит яратиш ва яна бошқа кўпбаҳли мақсадлар бўйича амалга оширилган ислохотлар, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар, рўйбга чиқарилган лойиҳа ва дастурлар аёлларни улғулашга, қадрлашга қаратилди.

Келинг, шу ўринда айрим мисолларга эътибор қаратсак. Хар йили Конституция байрами муносабати билан Янги йил арафасида ўтказиладиган тантанали маросимни юртдошларимиз ўзгача ҳаяжон оғушида кутади. Чунки шу кун демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган долзарб вазифалар белгиланиши билан бирга, келгуси йилга ном бе-

рилади. Табиийки, йилга ном беришда давлатимиз ва жамиятимиз учун энг муҳим бўлган масалалар қамраб олинади. Ҳозирга қадар бу ҳақдаги энг кўп қувончли хабарларни аёлларимиз, опа-сингилларимиз, оналаримиз эшитган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз:

«Оила йили» (1998 йил), «Аёллар йили» (1999 йил), «Соғлом авлод йили» (2000 йил), «Она ва бола йили» (2001 йил), «Сиҳат-саломатлик йили» (2005 йил), «Баркамол авлод йили» (2010 йил), «Мустақам оила йили» (2012 йил), «Обод турмуш йили» (2013 йил), «Соғлом бола йили» (2014 йил), «Соғлом она ва бола йили» (2016 йил)... Мустақиллик йилларининг номларидан келтирилган мисоллар давлатимиз, халқимиз учун аёл бахти, оила бахти олий қадрият даражасига кўтарилганини тасдиқлайди, айни пайтда, ҳаммаимиз хотин-қизларни ардоқлашга, эъзозлаб-авайлашга даъват қилади.

Аслида барча йиллардаги ислохотлар ва янгиланишларда, ойлик, ҳафталик, керак бўлса, кунлик режа ва мақсадларимизда аёл зотиға, оналаримизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳисси уфуриб туради. 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб белгиланиши, тегишли Давлат дастури асосида муножаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш бўйича улкан ва қатъий ишлар амалга ошириляётгани бунинг ёрқин исботидир.

Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, жойларда депутатлар, давлат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар органлари раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар билан очик мулоқотлар йўлга қўйилишдан биринчи навбатда нуруний онахонлар, аёллар миннатдор ва маънафатдор бўляётгани ойдинлашади. Чунки аёлларимиз, айниқса, қишлоқ жойларда истисмомат қиляётган опа-сингилларимиз ўзини ўйлантираётган ёки оиласида юзга келган муаммолари осонликча бировага айтмайди, дардини ошқор этишга, ҳатто савол беришга ийманмайди. Ариза ёзиб, қороз тўлдириб, бирон идоранинг эшигини таққиллашга андиша қиляди. Бунинг устига ҳудуддаги раҳбару масъуллар димомдор бўлса, оддий одамларнинг ҳурмати жойига қўйишни билмасса, қўпол муомала қилса, аёллар бундай кимсаларга икки дунёда ҳам муножаат қилмайди. Ундан кўра, дарду-ташвишларини ичига ютиб яшайверади.

Шу маънода парламент аъзолари, маҳаллий мутасаддилар уйма-

уй юриб, мулоқот қиляётгани, хусусан, хонадон бекаларининг муножаатлари тингланаётгани, тақлиф ва истаклари ҳисобга олинаётгани кўпбаҳли муаммоларнинг ечим топишга хизмат қилмоқда, момо-бувиларимизнинг дуоси, орзу-ниятлари эзгу ишларга қанот бўлмоқда.

Айни пайтда бундай мулоқотлар аҳоли, айниқса, хотин-қизларни ўйлантираётган муаммоларни тан олиб, уларни ҳамжihatликда ҳал этиш ниҳоятда зарур эканини ҳам кўрсатмоқда, таъбир жоиз бўлса, раҳбару мутасаддиларнинг кўзини очмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада ўзилиб қолаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар белгилан берилди. Оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-ҳотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини қучайтириш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш, аёллар ўрта-сида жинсийчилик, оилаларда ажралишлар қўпайгани каби халқимизга хос бўлмаган аниқ ва ноҳус масалаларни ҳал этиш, аёлларнинг бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

«Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, хунармандчилик, томорқа ҳўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда. Бу ўринда расмийчиликка, қорғозбозликка, ҳатто кўзбўямачиликка берилиш ҳолатлари ҳам кам эмас ва бу ҳақда кўпбаҳли мисолларни келтириш мумкин. Савол туғилади: кимни ва нима учун алдаямиз?»

Бу ҳаққоний савол реал ҳаётни ўрганиш, шунга қараб аёлларимизнинг ўйлантириб қиляётган муаммоларни ҳал қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун Бош вазир ўринбосари бошчилигида турли ташкилотларнинг раҳбар ва мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу гуруҳлар жорий йилнинг 20 январидан бошлаб Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига бориб, қўчма-қўча, хонадонма-хонадон юриб, мавжуд вазиятни чуқур ва пухта ўрганишда, таҳлил қилмоқда, оддий оилалардан, қўл кўрган отахон ва онахонларимиздан таққиллаб олмақда. Кенг қамровли ўрганишлар натижалари ва аниқ сабоқлари асосида мавжуд муаммоларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам ташкилий томондан

ечимини ўзида акс эттирадиган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Президентимиз соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва ходимлари билан ўтказган учрашувларида соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни кескин танқид қилди. Тўғриси, ушбу учрашувларда халқимизни, айниқса, оналар, хотин-қизларни қийнаб қиляётган саволлар ўртага ташланди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг биноси бўлса, унда малакали мутахассис ишламаса, қўлидаги гўдаги касал бўлиб қолган келинчақлар қаерга боради? **Фақат қон топириш учун вилоят ёки шаҳар марказига боришга мажбур бўляётган, оддий жарроҳлик амалиёти ўтказиш илминда олис йўللарда сарсон-саргардон югураётган, тиббиёт ходимларининг қошқовоғига қараб эзильган оналарнинг дарду-аламларини ким тушунади, уларга ким ёрдам беради?** Шифокорлар, мутасадди раҳбарлар қаерда яшашни, ким бўлишдан қатъи назар, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг конституций ҳуқуқи эканини англаб етмас, нима қилмоқ, қандай йўл-тутмоқ керак?..

Учрашувларда шу каби аниқ саволларга жавоб топиш, бу борадаги муаммоларни қисқа муддатларда ҳал қилиш бўйича қатъий топириқлар берилди. Хусусан, фақат марказда эмас, барча ҳудудларда иختисослаштирилган марказлар бўлимлари фаолиятини йўлга қўйиш, юқори малакали шифокорларнинг тиббий қўриқ ва даволаш амалиётларини тизимли ташкил қилиш юзасидан устувор вазифалар белгиланди. Буларнинг барчаси аёлларни эъзозлаш, оналаримизни қадрлаш, опа-сингилларимиз бахтини таъминлашга қаратилган.

Президентимиз ўтган ҳафта Қашқадарё вилоятида қириляётган Республика иختисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиали лойиҳаси билан танишиш жараёнида бир фикрни алоҳида таъкидлади. Яъни, шифокор бемор келишини қўтқиш керак эмас, касалликнинг олдини олиши зарур.

Фарзанди бирон нўсон билан туғилган онанинг руҳий ҳолатини тасаввур қилиб кўрайлик. Бундай онанинг оху-зори оламга сиймайди, ҳар кун, ҳар соат, ҳар нафасда юраги эзилади. Афсуски, ҳаётда бу каби қўнғилсиз ҳолатлар учраб турибди. Ҳудудларда профилактика тадбирлари қучайтирилиши биринчи навбатда гўдакларнинг соғлом дунёда келишига, оилаларнинг бахти ва оналарнинг кўнглини асрашга хизмат қиляди...

Бу ҳақда кўпчилик яхши эслайди. Илгари замонда қизлар, келинлар

ўсма, сурма, ярим-ёрти ойнача ва яна бир икита пардоз буюми билан умрини ўтказган. Очиғини айтиш керак, замонавий пардоз воситалари ўша пайтларда жуда кам аёлларда бўлган. Бугун юртимиздаги барча шаҳару қишлоқларда гўзаллик салонларининг сони кун сайин ортиб бораётгани, хотин-қизлар уларга навбат қўтиб тургани қалбни равшан қиляди, ҳаётнинг қадри ва жозибасини оширилади.

Аёл қачон ўзига қарайди, ўзи учун қачон вақт ажратади? Албатта, оиласи тинч, рўзғори буг, фарзандларидан қўнғил тўқ, ўтаётган кундан, жуфти ҳалоли, яқинларининг меҳридан рози бўлганида.

Гўзаллик қалбдан бошланади, дейишади. Аёл бахтни ҳис қилса, унинг кўнгли ҳам гўзал бўлади. Шунинг учун бўлса керак, бахтиёр аёллар ҳар доим чироили кўринади.

Буюк мутафаккирлар, доно кишилар ҳар бир халқ аёлларининг ўзига хос буюк фазилатлари бўлади, деб таъкидлайди. Бизнинг аёлларни қўқларга кўтарадиган, мўътабар кўрсатадиган бундай фазилатлар жуда кўп... Улар меҳри, садоқати, саботи-билан ҳурмат-эъзафга, яхшиликка, ҳар қанча меҳр-муҳаббатга муносибдир. Чунки улар ўзидан кўра кўпроқ фарзандлари, жуфти ҳалоли, оиласини ўйлайди.

Шу ўринда Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон аёллари шаънига айтган сўзлари ёдга тушади:

«...Балки улар умид билан бир ёстиқча бош қўйган умр йўлдошига ҳеч қачон «Мен сизни севман, яхши кўраман», деб айтмагандир, лекин бутун қалби, вужуди билан ўз ёрига фидойи бўлган ана шу аёллар тимсолида мен ҳақиқий севги ва садоқат намунасини кўрганман, десам, ишонинглар, бу — айни ҳақиқат. Юзлари офтобда қорайиб кетган, қўллари меҳнатда қадок бўлган бу аёлларнинг қалби, юраги шунчалар гўзал, шунчалар беғубор эканини кўриб, дунёда ҳақиқатан ҳам ўзбек аёлига тенг қиладиган аёл йўқ, деган фикрга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилганман. Шу маънода, эркакларга қарата айтмоқчиман: шунини билиб қўйинг, бундай аёлларни бошқа ҳеч жойда топполмайси!»

Муқаддас китобларда қайд этилишича, онаси, қизи, опа-синглиси, аёлининг ҳурматини жойига қўйган, уларнинг орзу-истакларини рўйбга чиқариш учун интилиб яшган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, икки дунё саодатида эришади. Аёлини ардоқлаган давлат қудратли, унинг халқи эса доим бахтли бўлади.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Ўқув йиғини

Президентимиз жорий йил 9 февраль кун ички ишлар органлари фаолияти, мазкур тизимдаги муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, профилактика инспекторларининг малакасини ошириш бўйича тизим яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратди.

Профилактика инспекторлари малака оширмоқда

Мазкур вазифадан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқув полигониди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг 400 нафар профилактика инспекторининг ўқув йиғини ташкил этилди. Профилактика инспекторларини хизмат бурчига содиқлик, эл-юрт тинчлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш ўқув йиғинининг бош мақсадидир.

Академия ўқув полигониди барча шарт-шароитлар яратилган. Замон талабларига жавоб берадиган ўқув аудиториялари, спорт комплекси, ахборот-ресурс маркази, руҳий тиклаштириш хонаси, ўқ отиш ва махсус-тактик машғулотлар ўтказиладиган майдон тингловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

— Ўқув полигониди тингловчиларнинг касбий тайёргарликларини янада ошириш, олаётган назарий билимларини амалиётда самарали қўллаш қўнқималарини шакллантириш мақсадида машғулотларга вазирлиқнинг Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Тергов Бош бошқармаси, Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш, Эксперт криминалистика хизматининг тажрибали раҳбарлари ҳамда мутахассислари жалб қилинмоқда, — дейди Ўқув йиғин бошлиғи, полковник Исмоил Ҳимматов. — Шунингдек, бу ерда жаҳдал асосида Тошкент шаҳар ИИББ энг яхши милиция таянч пункти инспекторларининг ўқув-машғулотлари ташкил этилди.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича билимни ошириш мақсадида ўқув жараёнига прокуратура, суд органлари ҳамда давлат солиқ инспекциясининг тажрибали ходимлари жалб қилинди. Тингловчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда Тошкент шаҳридаги милиция таянч пунктларида амалиёт ўтказишди.

Ўқув полигониди тингловчиларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича махсус машғулотларни тизимли равишда ўтказиш йўлга қўйилган.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2017 йил 6 апрель кун бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидидаги очик аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Юнусовд тумани, Осиё кўчаси, 42-уйда жойлашган «O'ZELEKTARTARMOQ» унитар корхонасининг «MAR-KAZIY MAGISTRAL ELEKTR TARMOQLARI» корхонаси балансидаги 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/762ACA, бошланғич нархи 17 432 300 сўм бўлган «КА-МА3-5320»; 1993 й. и/ч, д/р 01/874EBA, бошланғич нархи 3 040 400 сўм бўлган «ГАЗ-

31029 СПГ»; 2003 й. и/ч, д/р 01/668PBA, бошланғич нархи 4 023 800 сўм бўлган «Тикорусумли автомобилотранспорт воситалари қўйилади. Талабдорлардан бюртма-номаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошлаб нади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг

камида 20 фоизи миқдоридидаги закатат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатат пули миқдори

сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мазкур автомобилотранспорт воситалари оқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақоррий аукцион савдолари навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказиладиди. Ушбу автомобилотранспорт

воситалари ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг оқорида кўрсатиб ўтилган маънода бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шўх кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Маҳжирлар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (0371) 233-23-40; телефакс: (0371) 233-23-40; электрон почта: TUAAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2017 йил 26 январь ва 23 февраль кунлари ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларига кўра,

«PAXTA TRANS SERVIS» МЧЖ балансидаги д/р 01/439SBA бўлган «Нексия» — 35 600 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидаги д/р 01/941QDA бўлган «ДОДЖ ПЛЮМОНТИ» — 9 600 000 сўмга; «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Қорғоз фабрикаси балансидаги инвентар рақами 01/5-7 бўлган, 40 футли GATU 846043-9 рақамли металл контейнер — 4 500 000 сўмга; инвентар рақами 01/5-6 бўлган, 40 футли MAXU 622611-2 рақамли металл контейнер — 4 500 000 сўмга; 40 футли SCZU 555165-1 рақамли металл контейнер — 4 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Дунёда ҳақиқатан ҳам ўзбек аёлига тенг қиладиган аёл йўқ.

НАВРЎЗ — АСРЛАРНИ МУНАВВАР АЙЛАГАН АЙЁМ

«Яхши одам кўздан, яхши йил Наврўздан» маълум деган мақол бор халқимизда. Миллати, тили, динидан қатъи назар бир тану бир жон, ягона халқ бўлиб яшаётган юртдошларимизнинг барчаси бирдек юксак кўтаринкилик, чинакам шодиёна билан кутиб олаётган бу йилги Наврўз ўлкамизга ўзгача бир шуқуҳ билан кириб келмоқда.

Хар бир халқнинг ўзига хос шундай қадриятлари ва аъённалари бўладики, у миллатнинг борлигини, улуглигини намоён этиб туради. Миллат билан бирга яшайди, бирга таракқий топади, бирга улғаяди. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги — Наврўз ҳам қадимий бўлиши билан бирга, ҳар йили биз билан бирга янгилашиб бораётган улуг ва навиқирон байрамдир.

Наврўз ҳақида жуда кўплаб адабиётлар ва тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, бироқ унинг қачон пайдо бўлганлиги аниқ тарихий фактлар асосида далиллаб берилган эмас. Шу кунгача сақланиб қолган миф, афсона ва ривоятлар, қўшиқлар таҳлилига сўяниб шуни айтиш мумкинки, бу аъёна қадим давлардаёқ халқимиз ҳаётидан мустақкам ўрин эгаллаган, ўша қадим давлардаёқ элнинг, улуснинг улуг кунига айланган улгурган.

Маҳмуд Қошғарий, Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий, Наршахӣ, Ҳафиз Таниш Бухорий каби алломаларнинг асарларида, бошқа турли тарихий, адабий миф-баларда Наврўз байрамнинг ўтиш тартиби, у билан боғлиқ урф-одат ҳамда халқ ўйинлари ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Улуг бобоклонимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган асарида бу байрам ҳусусида қизқарли маълумотларни ёзган. Жумладан, қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи деб саналган Фарвардин ойининг биринчи кўни Наврўз эканлигини кўрсатган.

Қайси бир даврни олиб қарамайлик, бу Қошғарий даврими ёхуд Амир Темур даври, Наврўз катта майдонларда, сайлгоҳларда зўр тантана билан нишонланганининг гувоҳи бўламиз. Фақат шўролар замонидагина бу байрам ҳусусига унради, миллат ҳаёти ва хотирасидан буткул ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Мустақилликдан сўнг Наврўз ҳаётида яна ўз ўрнини топи, янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Чинакамига халқ сайли шодиёнасининг тантанасига айланган.

Наврўз аслида янги кун, янги фасл, янги йил дедик. Халқимиз орасида уни йилбоши ҳам деб аташади. Наврўзни биз қайси ном билан атамайлик, у ҳақиқатан ҳам миллатнинг улуг кўни, тозарлиш, яшариш, янгилаш, юксалиш байрами бўлиб қолаверади.

Наврўз шунчаки бир байрам эмас. У миллатнинг тарихи, фалсафаси, бадияти ва санъати, маданияти, мифология, диний ва дунёвий дунёқароши, илмий тафаккур тарзини ўзида мужассам этган қомусий бир айёмдир.

Наврўз кун билан тун тенг келган кундир. Қадимда йил тақвими, яъни фасллар алмашинуви, унинг кўтларини билиш кишилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз осмон, қуёш, ой, юлдуз каби ёриткичлар ҳаракатини кузатиб улар ҳақида мукамал билимга эга бўлганлар. Бу уларнинг қўлданлиқ, ҳўжалик, ижтимоий-сўсий, маданий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Аслида Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва қўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топадилар.

Наврўз байрами қадимда аъёнага кўра, тозарлиш, покляниш, янгилаш шодиёна билан бошланган. Йилнинг охириги чоршанбасида кўчаларда, маҳалла кўйларда улкан оловлар ёқилган. Ўтганларнинг руҳига бағишлаб ёш чикарилган. Одамлар ўрталаридаги гина-қудуратларни унутганлар, бир-бирларига меҳр-муруватли бўлишиб, яхши тилалар билдиришган, гуллар ҳадя этишган, бева-бечораларнинг, беморларнинг ҳолидан хабар олишган, қабристонлар зиёрат қилишиб, ўтганлар руҳи шод қилинган, ҳашар уюштирилиб уй-маҳалла, юрт обод қилинган, болаларга, далаларга гуллар, кўчатлар еклган.

Бободехоннинг илк бор далага қўш чикариши ҳам наврўздан бошланган. Далага қўш чикаришдан олдин у билан боғлиқ тур-



ли урф-одат, маросимлар ўтказилган. Қурбонликлар қилиниб, қўшга қўшилаётган ҳўкизларнинг шўхи ёлганган. Бу «Шўх мойлар» маросимидан мақсад йилнинг кўт баракали келишига, тўкин-сочинлик бўлишига умид қилинган.

Юртимизнинг турли жойларида Наврўз байрами турлича нишонланган ва бу шоду хуррамлик бир неча кундан, бир ҳафтагача, ҳатто бир ойга қадар давом этган.

Наврўз асосан махсус сайлгоҳларда, қир-адирларда нишонланган. Байрам кўни эрта тонгдан қарнай-сўнайлар қалинган, жарчилар одамларни байрамга тақлиф этишган. Чавандозлар, полвонлар, қизикчи масҳарабозлар, бахшилар, қўшиқчи ҳўфизлар, ўйинчи-қарқослар байрам сайлига ташириб буюрганларга ўз маҳоратларини намоиш этишган. Наврўз кўни одамлар сайлгоҳга — қир-адирларга чиқишган. Эрта тонгдан ҳамма уйдан олиб келган пиширик ва ширинликларини дастурхон ёхуд махсус қозонга солишган. Бу пишириклар, асосан, сумалак, қўқ сомса, патири нон, қатлама, чўчвара, кескан ош, палов, қайнатилган гўштлардан иборат бўлган. Бу қадимдаги «Қозон тўлди» маросимининг шу кунгача сақланиб қолган бир қўринишидир. Қадимда бундай махсус қозонлар мўқаддас саналган ва улар тоғлар этагига, ёхуд дарахт остига қўйилган бўлиб, қўқлам пайти маросимларда илоҳ — маъбуллардан ҳосилдорлик ва кўт-барақа сўралиб, аждодларимиз томонидан қўрбонлик қилиниб, пишириб келтирилган таом ана шу қозонларга қўйиб кетилган. Тарихчи Геродот ўзининг «Тарих» китобида скифларнинг ана шундай мўқаддас қозони бўлганлиги ҳақида маълумотни келтирибди. Скиф ҳўқмдорларидан бири ўз аскарларининг сонини билиш учун, уларга қамон ўқининг ўқини олиб келишни буюрган. Кейин эса тоғдай уюлиб кетган ана шу қамон ўқининг ўқларидан улкан қозон ясалган. Бу улкан қозонда танг-риларга қўрбонликлар қилиниб, турли хил таомлар пиширилганини ёздади. Амир Темур даврида ясалган улкан қозон ҳам бу идишнинг маросимларда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Бугунги кўнда республикамизнинг турли бурчаларида Наврўз кўни пиширилаётган «сумалак», «ҳалим», «дарвешона ош» каби махсус таомлар ҳам улкан қозонларда пиширилади. Қозон қанча катта ва унда пиширилаётган таом қанчалик кўп бўлса — йил яхши келиб, ҳосилдорлик, мўл-қўлчилик бўлишидан далолат беради деган тушуна мавжуд. Бу эса қозон тўлди маросими ҳақидаги қадим тасаввурларнинг ҳали ҳамон яшаб келаётганлигини кўрсатади.

Наврўз кўни бахшилар ўзларининг сеvimли дostonларини қўйлашган. Полвонлар кураш тушишган. Бундай курашлар асосан томоша кураши бўлиб, гоилилар учун махсус тобоқ (соврин, мукофот)лар қўйилган. Бизнинг назаримизда қадим маросимлардаги махсус қозонлар билан ана шу тобоқлар (қозонга ўқшаш, кўпчилик биргаликда таом ейдиган идиш) ўртасида ҳам қандайдир яқинлик мавжуд.

Кўпқари-улоқ гарчанд қишги мавсумий ўйинлар сирасига кирса-да, бугунги кўнда юртимизнинг турли вилоятларида Наврўз кўни кўпқари улоқ, пойга мусобақалари ҳам уюштирилади. Гоилилар бутун йил даво-

мида ўз ютуқлари билан фахрланиб юришади.

Наврўз кўни ўйналадиган халқ ўйинлари ҳам кўпчилик иштирокида ўтказилган. Бундай ўйинлар орасида «Оқ теракми, қўқ терак», «Оқ суяк», «Чиллик» ўйинлари алоҳида эътиборга моликдир.

«Оқ теракми, қўқ терак» ўйинининг келиб чиқиш тарихи ўйинларнинг бошқа турларига қараганда қадимийроқ эканлиги тарихий ва бадийи манбаларда қайд этилган.

«Оқ теракми, қўқ терак» ўйини мавсумий ўйинлар таркибига кириб, дастлаб фақат қўқлам, баҳор фаслида ўйналган. Бу ўйин баҳор маросимининг таркибий қисми бўлгани учун, фақат маросим пайтида ўйналиб, кейинчалик у катталар, сўнгра болалар ўйинига айланган.

Фольклоршунос олимлар бу ўйиннинг қадим изларини қабилачилик давлари билан боғлаб, икки томонда турган болаларнинг ўз вақилларини сайлаб юборишлари ҳам қадимий жанг қоидаларига алоқадор, икки томон полвонларининг, қабилла ботирлари бир-бири билан яқма-яқма жанг қилидиган одатлари, улардан қайси бири енгаса, ўзи мансўб бўлган қабилла енган ҳисоблангани, енгилган томон товон тўлаши мазкур ўйинда билинар-билинимас из қолдирганини ёздади.

Бизнингча бу ўйин ўзида кун-тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақида қадим тасаввурларни мужассам этади. Қиш енгилса, баҳор гоилиб келади, тун чекинса, кун ўзади. Зеро, ўйин фольклори матнида асосий урғу шу нарсасга қаратилган.

Наврўз пайти ўйналадиган «Оқ суяк» ўйини ҳам аждодлар руҳига бўлган эҳтиромнинг бир ифодасидир. Бу ўйин ҳақида Алишер Навоий ҳам ўз асарларида маълумот беради. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида бу ўйин бугунга қадар ўйналиб келинмоқда. У асосан эрта қўқлам пайти, кечқури ўйналган. Болалар ўртасидан сайланган бошқик қўлидаги суякни ўзоққа отган. Бошқа болалар уни топишга ҳаракат қилган. Қимки суякни биринчи бўлиб топса, ўша бола ютган ҳисобланган. «Оқ суяк» ўйинининг айнан наврўз пайти ва тунда ўйналишига сабаб, суяк-аждодлар руҳи ёрдамида қиш-тунни ҳайдаб, қўнға — баҳорга интилиш бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Қадимда қўқлам маросимининг таркибий қисми бўлган бундай халқ ўйинлари қўнға тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша аъёна тарзда яшаб келаётганлиги халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканлигидан далолат беради.

Қадимда Наврўз арафасида аждодларимиз етти хил экнингнинг уругини экканлар ва унинг унинг чиқишига қараб йилнинг қандай келишини башорат қилган. Наврўз кўни етти хил таом тайёрланган. Булар қўқ сомса, қўқ чўчвара, ҳалим, қўқ ош, дўлма, сумалак... Етти рақамга урғу берилишининг ўз асоси бор. Чунки қадимда етти рақами мўқаддас рақам ҳисобланган.

Сумалак, бойчечак, лолла, гул сайллари эса Наврўз сайлларининг асосини ташкил этган. Наврўз кўни одамлар қўм-қўқ қирларга, адирларга тоғларга сайлга чиқишган, табиат билан юзлашиб, унинг гўзаллигидан, бетакрорлигидан баҳраманд бўлишган.

Сумалак — баҳорнинг шифобахш, тансиқ ва шўх таоми ҳисобланади. Уни асосан аёллар тайёрлаб, қозон атрофида суҳбатлар қўришган, чилдирма қилиб ўйин-қўлғу, ҳазил мўтойиба қилганлар, ўз сўзлари, қўйу қўшиқлари билан баҳорни — янги йилни алқабганлар. Сумалак тайёр бўлгач, барчани сумалакхўрликка — сумалак сайлига тақлиф этишган.

Айнан қўқлам пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг қайта тирилиши, уни жонлантириш билан боғлиқ маросимлар, томошалар бўлиб ўтган. Ушбу маросимлар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгиллаштириш, келаётган қўқлам ва янги йилни қўтлаб, унинг қўт-баракали ўтишини Яратгандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб қўришга хизмат қилган. Ушбу эътиқод ва у билан боғлиқ маросимлар тизими бугунги кунгача сақланиб келинмоқда.

Янги йил, яъни Наврўз қиш ва ёзнинг (икки кўтбнинг) ўзаро курашуви ва қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади деган дуалистик қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади.

Хоразм вилоятида «Ашадарози ўйини» бугунги кунгача сақланиб қолган. Бу маросим қўқлам келганда сумалак пишириш маросими билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. «Ашадарози» ёғоч оёқли, чиройли қилиб қийинтирилган аёл қўғирчоқ. Ёғоч қўзик-оёқлар устига чиқиб, қийимлар ичига яшириниб олган ижрочи уни ҳаракатга келтириб сайлга-майдонга олиб кирган. Унинг рақиб эса бўйи нисбатан пастроқ бўлиб, эркак қиёфасида бўлган. Иккаласи майдонда туриб, ўзаро айтишув-мунозара қилганлар.

Айтишув якунида эса аёл қиёфасидаги қўғирчоқ гоили бўлган. Бу ўйиннинг айнан қўқламда, сумалак билан боғлиқ ҳолда уюштирилиши унинг қадимий эканлигидан далолат беради. Қўғина тадқиқотчилар бу ўйинни Сивёуш номи билан боғлашга ҳаракат қилишади. Аслида бу маросимнинг илдизлари ундан ҳам қадимийроқдир.

Бу маросимда қиз қиёфасидаги бўйи баланд аёл қўғирчоқ — Баҳорнинг тимсоли, эркак қиёфасидаги қўғирчоқ эса қишнинг тимсоли бўлиб, мунозара-тортишув қиш ва ёз курашининг рамзий ифодасидир.

Аждодларимиз қиш (қўз) ва баҳор (ёз)ни эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, зулмат ва ёруғлик билан боғлиқ ҳолда жонли, антропоморф қиёфада тасаввур қилишган. Фасллар алмашинуви ана шу икки қўғирчоқ кураши-мунозарасидан иборат бўлиб, уларнинг қайси бири гоили бўлса, табиатда ўша тантана қилади деб тушунилган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк» китобининг бир қанча ўринларида қиш ва ёз тўқнашуви, кураши ҳақида сўз боради.

Қиш ва ёз тўқнашувида қиш ҳар қанча ёзни енгилгача ҳаракат қилмасин, охир оқибат қиш мағлуб бўлиб, ёзга енгилганини кўрамин. Маълумки, маросим шаклида келаётган аъёналар давлар ўтиши давомида маросим тизимидан ўзлиб, санъат қўринишини олиши мумкин.

Ўлиб тирилувчи табиат яъни қўқламнинг келиб, қишнинг кетиши билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, маросимлар излари «Бойчечак», «Ха-ю, читтигул», «Қўпқари» ўйинларида ҳам сақланиб қолган.

Бу маросим ва ўйинларнинг айнан Наврўзда ижро этилишининг ўз сабаблари бор. Чунки ушбу кўнда қилинган ҳаракат ва тилалар эзгу, у албатта рўёбга чиқади деб ишонилган.

Қадимда қўқлам маросимининг таркибий қисми бўлган бундай халқ ўйинлари қўнға тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша аъёна тарзда яшаб келаётганлиги халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Наврўз нафақат табиатнинг ўзгариши, яшариши, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккур тарзининг ҳам янгилашувидир. Табиатни англаш орқали, ўзалиги, «Мен»-лигини кашф этган, қалбида ўзига ишонч, эртанги кун умиди ўйонган. Шунинг учун ҳам Наврўз байрами ҳамма даврларда ҳам тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр муҳаббатнинг таронаси, халқнинг ўз тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматининг нишонаси бўлиб келган.

Жаббор ЭШОНКУЛ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
илмий тадқиқот институтининг
етаҳчи илмий ходими.

Спорт

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси — AIBA томонидан ташкил этилган The World Series Boxing (WSB) — Бутунжаҳон бокс сериялари бўлиб ўтмоқда. Унда кучли бокс мактаблари ва аъёналарига эга бўлган мамлакатлар боксчилари гоилилик учун кўч синашади.

БОКС КЕЧАСИГА МАРҲАМАТ

Бутунжаҳон бокс серияларининг VII мавсумида дунёнинг энг кучли 12 жамоаси учта гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кўч синашмоқда. Ушбу мавсумда юртимиз жамоаси — «Uzbek Tigers» боксчилари Хитойнинг «China Dragons», Россиянинг «Patriot boxing tem» ва Қозоғистоннинг «Astana Arlans Kazakhstan» жамоалари билан «С» гуруҳидан жой олган.

Ўзбекистон жамоаси дастлабки икки учрашуви сафарда ўтказиб, «China Dragons» вақилларига 2:3, «Astana Arlans Kazakhstan» боксчиларига 1:4 ҳисобида имкониятни бой берди. «Uzbek Tigers» янги мавсумдаги илк уй учрашувини бугун Россиянинг «Patriot boxing tem» жамоасига қарши ўтказиши.

Кеча икки жамоа аъёолари ва мураббийлар иштирокида мўтбўт анжумани ўтказилди. Унда журналистлар ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олишди.

Бокс учрашувлари бугун «Ўзбекистон» спорт мажмуасида 18:30 да бошланади. Жанглар тартиби қуйидагича:

Биринчи жанг: 56 кг, Абдулхай Шорахматов (Ўзбекистон) — Дмитрий Шарафутдинов (Россия). **Иккинчи жанг:** 64 кг, Эльнур Абдураимов (Ўзбекистон) — Радмир Абдураҳмонов (Россия). **Учинчи жанг:** 75 кг, Исраил Мадримов (Ўзбекистон) — Раджаб Раджабов (Россия). **Тўртинчи жанг:** 91 кг, Захриддин Маҳмамов (Ўзбекистон) — Ислом Теевев (Россия). **Бешинчи жанг:** 49 кг, Хасанали Дўстматов (Ўзбекистон) — Батор Сагалуев (Россия).

Эслатиб ўтамиз, «Uzbek Tigers» жамоаси 17 март кўни «China Dragons» боксчиларини ва 1 апрелда «Astana Arlans Kazakhstan» жамоасини Тошкентда қабул қилади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Премьера

Ўзбек Миллий академик драма театрида таниқли ижодкорлар — Қўчқор Норқобил ҳамда Ҳосият Рустамова қаламига мансуб «Атиргуллар қисмати» спектакли премьераси бўлиб ўтди. Асарни театр режиссёри Гафур Мардонов сахналаштирган.

«АТИРГУЛЛАР ҚИСМАТИ»



Унда ҳаётнинг турли ташвишу қувончлари гирдобидида юрган аёл руҳияти, орзу-хаваслари, қалб армонлари бадиий талқин этилади. Саҳнада ўз фарзанди келажаги учун жонини ҳам фидо этишга тайёр қудратли бир маъбуд, гўдагини қўқсига босиб жилмайиш бахтини туйган аёл сиймосини кўра-миз.

Аёлни ҳаётимиз давомчиси, хонадонимиз чароғбони, маънан етук авлоди тарбиялаб вояга етказувчи улуг зот сифатида ардоқлаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки она аллеси, онанинг офтобдай тафти ҳаротида вояга етган фарзандларда жамийи яхши фазилатлар шаклланади. Бир сўз билан айтганда, аёл буюк тарбиячи, буюк мураббия ҳандир. Илк тарбия ўчоғи — оилада онанинг ўрни бениҳоя, демокки, жамият равақи гуллаб-яшнашида ҳам онанинг ўрни беқўсдир.

Жамиятимиз гултожи бўлган мунис оналаримиз, гўзал опа-сингилларимиз ардоқланган ушбу лирик драмада турли тақдир хоҳибалари бўлган аёллар образини Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Йўлдошева, актриса Мухаббат Абдуллаева ва бошқалар ижро этишган.

Дилфуза ЭРГАШЕВА

MUASSIS:



Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338
17660
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:45
Topshirilgan vaqti — 01:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchisi:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6